## ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «23» 5 2022-224-10-150-OB-сон Чирчик ш

№ 3 - сонли
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Кейинги ўринларда **«Буюртмачи»** деб юритиладиган **Ободонлаштириш бошқармаси** , Низом асосида иш юритувчи корхона директори **Т.З.Сиддиков** бир томондан, кейинги ўринларда **«Пудратчи»** деб юритиладиган **MCHJ“MALIKRABOT MAXSUS QURILISH”** Низом асосида иш юритувчи жамият директори Шарафов А.А. иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. Шартнома мавзуси

1.1. «Пудратчи» мазкур шартномага асосан **Чирчиқ шаҳар 11-сон Ишонч МФЙ кўчаларини жорий таъмирлаш** ишларни амалга ошириш мажбуриятларини олади.

### II. Шартнома бўйича ишлар киймати

2.1.Мазкур шартномадаги бажариладиган ишлар ва унинг шартномавий бугунги кундаги бахоси

**115 794 868 (бир юз ўн беш миллион етти юз туқсон турт минг саккиз юз олтмуш саккиз) сўмни** ташкил этади.

2.2. Ишлар киймати куйидаги холларда кайта куриб чикилиши мумкин: курилиш кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда:

- ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда:
- объектнинг курилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

2.3. Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар «Буюртмачи», ва «Пудратчи» ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### III. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1.Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни «Буюртмачи» га мазкур шартнома шартларига муфовиқ топшириш:
- курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб- ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш

Кўриб чиқган юрист: G'AYBULLAYEV ABRORJON ABDULLA O'G'LI. Ҳужжат рақами: FN3864642177

техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоатлар куриш;
- «Буюртмачини» пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;
- Курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш,
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналар ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;
- курилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;
- жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун жалб қилинган барча машина-механизмлар (1-м/соат), транспорт воситалари (1тн*км ёки 1м/соат) хамда пудратчининг бошқа харажатлари (% хисобида) га экспертиза хулосаларини тақдим этиш ёки шартномага асосан тузилган келушув баённомасини тақдим этиш;
- тақдим этилган экспертиза хулосаларини инобатга олиб смета нархларида ишларни бажариш, объектларда бажарилган ишлар ижро хужжатларини (иш чизмалари, ёпилиб кетадиган ишлар далолатномалари, материалларга счет-фактуралар ва сертификатлар, ташилган юк ва машиналар реестрлари, иш олиб бориш журналлари, иш жараёнидан фото лавхалар ва бошқалар) тўлиқ тартибда юритиш ва расмийлаштириш;
- бажарилган қурилиш-монтаж ишлари сифатини ШНК, КМК, ГОСТ ва лаборатория талаблари даражасида бўлишини таъминлайди ва тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

3.2.«Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## IV.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва

томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мавофиклигини текширади.

7.2. Техник назоратчи ишлар бажарилишини ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукукига эгадирлар.

7.3. «Пудратчи» Техник назоратчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни хал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

7.4. «Пудратчи» ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни ташкил этади.

7.5.«Пудратчи» объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишадилар ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

7.6. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш "Пудратчи"нинг вазифаси хисобланади.

7.7. "Буюртмачи" курилиш майдонини бериш тўгрисидаги далолатнома билан бир вактда "Пудратчи"га ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўгрисидаги хужжатларни беради.

7.8. "Буюртмачи" курилиш майдонини бериш тўгрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни жойларга боглаш учун "Пудратчи"га геодезия нукталари, уларнинг координаталари ва баландлик белгиларини таклим этади.

7.9. «Пудратчи» геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўгри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўкларининг мувофиклиги тўгри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, «Пудратчи» «Буюртмачи» билан келишилган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

7.10. «Пудратчи» геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича «Буюртмачи» га беради.

7.11. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча узушни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни «Пудратчи» амалга оширади.

7.12. «Пудратчи» ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган куриш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутлов буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спесификасияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини хамда уларнинг

курилиш туғаллангунча бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш:
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган «Пудратчи» томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, «Пудратчидан» тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
- «Пудратчининг» барча мурожаатларини беш кун муддатда кўриб чикиш ва карор кабул килиш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб «Пудратчига» ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини такдим этиш:
- зарур холларда ушбу шартнома амал килиш даврида «Пудратчи» нинг ёзма мурожаати асосида машина-механизмлар, транспорт воситалари, материаллар, буюмлар, конструкциялар, ЁММ ва бошкалар билан таъминлаш., материаллар, буюмлар ва конструкциялар сифати назоратини ўз зиммасида қолдиради.
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятларини олади.

## V. Ишларни бажариш муддатлари

5.1. Шартнома томонлар уни имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва ишларни бажариш муддати

__ _________________ 20___ йигача деб белгиланади.

5.2. Пудратчи биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.3.Шартнома 2022 йилнинг 31 декабригача амал килади.

## VI. Тўловлар ва хисоб-китоблар

6.1. «Буюртмачи» «Пудратчига» шартнома имзолангандан кейин объектга маблағ ажратилишига караб 30% аванс микдорини жорий чоракда кутилаётган ишлар хажмидан келиб чикиб, Пудратчи хисоб ракамига ўтказади.

6.2.«Буюртмачи» бажарилган ишлар учун тўловни «Пудратчига» хар ойда тасдикловчи хужжатлар асосида амалга оширади.

6.3. «Буюртмачи» «Пудратчи» билан келишилган холда уларга буюртмалари асосида ЁММ, материаллар, эхтиёт кисм ва жихозлар харид килади ва харажатларини узаро хисоб-китоб булаётганда бажарилган иш хажмларига тулов пайтида ушлаб колинади.

## VII. Ишларни бажариш

7.1. «Буюртмачи» курилиш майдонида ўз вакилини - Техник назоратчини тайинлайди, у “Буюртмачи”нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратини амалга оширади, шунингдек «Пудратчи»

сифатини тасдикловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.
7.13. Алохида маъсулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин «Пудратчи» «Буюртмачи» ва Даврхитектқурилишназорат инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.
7.14. Кабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонидан маъсул конструкцияларни оралик кабул килиш далолатномалари хамда уларнинг «Даврхитеккурилишназорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.
7.15. «Пудратчи» «Буюртмачи» нинг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.
7.16. Агар беркитиладиган ишлар «Буюртмачи» нинг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хакида хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича «Пудратчи» «Буюртмачи» нинг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

«Пудратчи» «Буюртмачи» нинг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлини исботласа жавобгар хисобланмайди.
7.17. Агар «Буюртмачи» «Пудратчи» ёки унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда «Пудратчи» ўз кучи билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан Ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 31-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар «Пудратчи» сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи» уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.
7.18. «Пудратчи» курилиш майдонини ва унга тегишли кўчани , шу жумладан йўл булаклари ва йўлакчаларни супуриб-сидириб ва озода саклайди, куриш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чикариб ташлайди.
7.19. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача «Пудратчи» ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, «Буюртмачи» ва "Пудратчи"нинг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холларида холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боглик тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тўгрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиш мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар “Буюртмачи” ишларнинг бориши ва сифатидан ёки «Пудратчи» нинг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

«Пудратчи» дафтарда “Буюртмачи” томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7.19. Томонлар Ўзбекистон Республикаси “Коррупциясига карши курашиш тоғрисида ”ги қонунга созсиз амал қилиши коррупцияга қарши белгиланган сиёсат ёки тизим талабларини бузган томонларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 205-,206-,207-,208-,209-,210-,211-,212-,213-,214—моддалари асосида жазо муқаррарлигини инобатга олган холда, шартнома тарафлари коррупцион холатга йўл қоймаслик мажбуриятини олади.

## VIII. Ишларни кўриклаш.

8.1. «Пудратчи» ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиши тугалланган объект “Буюртмачи” томонидан кабул килиб олгунга кадар четлари тўсилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

8.2. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб ускуналар ва бошка мол-мулк объект кабул килиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзасига келтирган вактга муносиб равишда узайтирилади.

9.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вактгача чўзилса, у холда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

9.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килишини талаб килишга хаклидирлар.

## X. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш

10.1. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан

кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга кабул килиб олишни, объектни кабул килиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик "Пудратчи", "Буюртмачи"га белгиланган тартибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. "Пудратчи", "Буюртмачи"га ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиклаши керак.
10.2. Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект "Буюртмачи"нинг мулкига айланади.

## XI. Кафолатлар

11.1. "Пудратчи":

- барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларига, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини:
- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килишни:

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

11.2. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш тўгрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объектнинг кафолатли муддати 12 ой этиб белгиланади.

11.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланишнинг давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар «Пудратчи» томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари "Пудратчи" ва "Буюртмачи"нинг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар "Пудратчи" бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда "Буюртмачи" мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини "Пудратчи"дан ушлаб колиш хукукига эга.

11.4. "Пудратчи" нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган такдирда, уларни текшириб чикиш «Даварxитекткурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу

томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

## XII. Шартномани бекор килиш.

12.1. “Буюртмачи”

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши “Буюртмачи”га боглик бўлмаган сабабларга кўра “Пудратчи” томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда:
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган холда, “Пудратчи” томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда:
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда:

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартномани бекор килишини талаб килиш хукукига эга.

12.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб кўйилганда:
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда:
- конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

12.3. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор килинган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор килишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур Шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XIII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

13.1.Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни коплайди:

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисидаги Ўзбекистон Республикаси белгилаган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,2 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

13.2. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хужмини тасдиклашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиклашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 фоизи микдорида жарима тўлайди.

13.3. Пудратчи объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,2 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,2 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

13.4. Агар бажарган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда Буюртмачи «Даврхитекткурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун хак тўлашда бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 10 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

13.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўкотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарни коплайди.

13.6. Муддати ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни Ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

## XIV. Низоларни хал этиш тартиби

14.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зарарни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар белгиланган тартибда талабнома бериш йули билан хал этадилар. Талабнома олган томон 20 кунлик муддат ичида куриб чикади. Келишув йули билан хал этилмаган такдирда, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик суди томонидан кўриб чикилади.

## XV. Алохида шартлар

15.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
15.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирор-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.
15.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакикий хисобланади.
15.4. Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.
15.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.
15.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

## XVI. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

| | |
|---|---|
| **«Буюртмачи** | **«Пудратчи»** |
| **Чирчиқ шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси** | **MCHJ“MALIKRABOT MAXSUS QURILISH”** |
| Чирчиқ шаҳар Саодат кучаси | Тошкент шаҳар,Яшнобод т,2-Авиасозлар кучаси |
| х/р 401722860274197045201110001 | х/р 20208000804774791001 |
| ИНН 204052085 ОКЭД 39000 | TIF «Milliy banki» AJ Navoiy vil. Filiali |
| Чирчиқ шахар Ғазначилик бўлими | МФО 00196 ИНН 301161701 ОКЭД 41201 |
| р/с 23402000300100001010 | |
| МФО 00014 ИНН 20112291 | |
| **Директор:** ____________ **Т.З.Сиддиков** | **Директор:** ____________ **А.А.Шарафов** |

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: FN38640421 77

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**Hujjat raqami:** QF41725780

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi. Chirchiq shahar Obodonlashtirish boshqarmasi va "MALIKRABOT MAXSUS QURILISH" MCHJ o'rtasida pudrat shartnomasi to'g'risida;

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Chirchiq shahar Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan hamda, Chirchiq shahar Yuridik xizmat ko'rsatish markaziga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 20.05.2022 yilda e-huquqshunos tizimi orqali yuborilgan.

4. Shartnomaning umumiy qiymati va yurist xulosasi berilgan sana:

**115 794 868 (Bir yuz o'n besh million yetti yuz to'qson to'rt ming sakkiz yuz oltmish sakkiz) so'm**

**23.05.2022.y**

***Eslatma:*** *Yurist shartnoma qiymati (summasi uchun) javobgar sanalmaydi.*

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga **muvofiq**.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **G'aybullayev A.A.**

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 84064 на приобретение Отбор наилучших предложений

Способ проведения электронный

Дата 17.05.2022

Время рассмотрения 17.05.2022 17:05

Конкурсная комиссия Управление благоустройства города Чирчика, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SIDDIKOV TOXIR ZAFAROVICH | начальник | Управление Благоустройства |
| **Секретарь комиссии** | BEGMETOVA IRODA SUYARKULOVNA | иш юритувчи | Управление Благоустройства |
| **Член комиссии** | NURMETOV XASAN TOJIBAYEVICH | зав склад | Управление Благоустройства |
| **Член комиссии** | MAVLYANOVA GULCHEXRA MIRZAKARIMOVNA | мухандис | Управление Благоустройства |
| **Член комиссии** | SHOLPANKULOVA AYGUL ABDIXASIMOVNA | экономист | Управление благоустройства |
| **Член комиссии** | XAKIMOV DAVRON MURATOVICH | Главный инженер | Управление Благоустройства |
| **Член комиссии** | VAKILOV ALAN ABDIRAXIMOVICH | тех назоратчи | Управление Благоустройства |
| **Член комиссии** | ISAYEV AZIZ ABDULLA O'G'LI | булим бошлиги инфратузилма объект | Управление Благоустройства |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.05.2022 года № лота 84064,
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 60.00 / Весовой коэф. ценовой части: 40.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог (42.11.20.000-00010) |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 120 794 868.00 |
| Стартовая сумма | 120 794 868.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 шартнома бажариш учун зарур техникавий,молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг хамда бошқа ресурсларининг мавжудлиги; шартнома тузиш учун қонуний хуқуққа эгалик; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-

таомилларининг мавжуд эмаслиги; инсофсиз ижрочиларининг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.Иш бажарилгандан кейин банк-обмер ва лабаратория хулосаси такдим килиниши.

Тип: Текстовое значение

Описание: ПДф

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| INNOVA PRO MCHJ | 60 | 60 | 45 | Экспертная | | |
| M.M.Q M.Ч.Ж. И.Т.К.Т | 60 | 60 | 60 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| M.M.Q M.Ч.Ж. И.Т.К.Т | 120 794 868.00 | 115 794 868.00 | 16.05.2022 11:12:36 | 38.27 |
| INNOVA PRO MCHJ | 120 794 868.00 | 110 794 868.00 | 16.05.2022 11:08:27 | 40.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| M.M.Q M.Ч.Ж. И.Т.К.Т | 60 | 38.27 | 98.27 |
| INNOVA PRO MCHJ | 45 | 40 | 85 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 84064 от 17.05.2022 года на приобретение Отбор наилучших предложений определила победителем:

M.M.Q M.Ч.Ж. И.Т.К.Т
301161701

и резервный исполнитель: INNOVA PRO MCHJ (305864449)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | VAKILOV ALAN ABDIRAXIMOVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | SIDDIKOV TOXIR ZAFAROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | NURMETOV XASAN TOJIBAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAVLYANOVA GULCHEXRA MIRZAKARIMOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | SHOLPANKULOVA AYGUL ABDIXASIMOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | ISAYEV AZIZ ABDULLA O'G'LI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Navoiy viloyati Karmana tumani
«Malikrabot mahsus qurilish » MCHJ

Навоийский обл. Карманинский район
ООО «Маликработ махсус курилиш»

706 802, Navoiy viloyati, Karmana tumani, Malikrabot shaxarchasi, Do'stlik kuchasi 52 uy Tel: (436) 539-34-90
706 802, Навоийская область, Карманинский район, пос.Маликработ, ул. Дустлик 52 дом Tel: (436) 539-34-90

«12» май 2022г № 20

Чирчиқ шаҳар Ободонлаштириш
бошқармасига Malikrabot mahsus qurilish
МЧЖ рахбари А.А.Шарафовдан

**Тижорий таклиф**

"Malikrabot mahsus qurilish"МЧЖси Сиз раҳбарлик килаётган ташкилотингизда хозирги кунда № 22110012084064 ЛОТ бўйича Чирчиқ шаҳар 11-сон ишонч МФЙ кўчаларини 115 794 868 (бир юз ўн беш миллион етти юз тўксон тўрт минг саккиз юз олтмиш саккиз) сўмга жорий тамирлаб беришни таклиф киламиз.

**ООО «Маликработ махсус курилиш» рахбари** MALIKRABOT MAKSUS QURILISH **А.А.Шарафов**

Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ
солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги
маълумотлар базасини шакллантириш ва
юритиш тартиби тўғрисидаги
низомга 6-илова

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

# ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида

## ГУВОҲНОМА

## УДОСТОВЕРЕНИЕ

о регистрации в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан и присвоении идентификационного номера налогоплательщику

### СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ - ЮРИДИК ШАХС
### НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИК - ЮРИДИЧЕСКОЕ ЛИЦО

| | |
|---|---|
| Тўлиқ номи:<br>Полное наименование: | ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "MALIKRABOT MAXSUS QURILISH" |
| Қисқача номи:<br>Краткое наименование: | ООО "MALIKRABOT MAXSUS QURILISH" |

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинди ва унга қуйидаги солиқ тўловчи идентификация рақами (СТИР) берилди:

Зарегистрирован в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан и ему присвоен идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):

| | | |
|---|---|---|
| 301161701 | СТИР берилган сана:<br>Дата присвоения ИНН: | 27.04.2009 |
| Рўйхатга олинган ДСИ:<br>Зарегистирован в ГНИ: | | Яшнобод тумани |

Ушбу Гувоҳнома Давлат солиқ қўмитасининг интернетдаги расмий сайти орқали шакллантирилган ва чоп этилган

Данное Удостверение сформировано и распечатано через официальный сайт Государственного налогового комитета

| | |
|---|---|
| Гувоҳнома чоп этилган сана:<br>Дата распечатки удостоверения: | 30.05.2021 21:22:26 |

# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ SHAHAR HOKIMINING
# F A R M O Y I S H I

2021 - yil 13 - oktabr 95-10-150-F/21 Chirchiq shahar hokimligi

**Маблағ ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенат Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорига асосан, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган жамоатчилик фикри асосида шаклланган ва овоз бериш якунига кўра "голиб" деб топилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари" ПҚ-5250-сонли қарорига кўра, худудларни ижтимоий- иқтисодий ривожлантирришга қаратилган жамоатчилик фикри асосида шаклланган ва энг кўп овоз олган таклифларни молиялаштириш хамда Чирчиқ шахар Халқ депутатлар Кенгашининг 2021 йил 27 сентябрдаги VI/XXXXVII-X-сонли қарор ижросини таъминлаш мақсадида;

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари" ПҚ-5250-сонли қарорига асосан Чирчиқ шахрига йўналтирилган қўшимча 500,0 млн.сўм маблағ ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Чирчиқ шахар "Фукаролар ташаббуси жамғармаси" маблағларидан хисобидан 11-сонли "Ишонч" махалла фуқаролар йиғинига 447,0 млн.сўм (тўрт юз қрик етти) ҳамда 31-сонли "Камолот" маҳалла фукаролар йиғинига 53,2 млн.сўм (Эллик уч миллион икки юз минг) ажратилсин.

3.Шахар ҳокимлиги бош хисобчиси (А.Супиянова) ажратилган маблағларни ҳисоб-китобларга кўра мақсадли ва самарали сарфланишини таъминласин.

4. Шаҳар ҳокимлиги Молия бўлими (М.Абдуллаева) белгиланган тартибда харажатлар ёйилмасига ўзгартиришларни киритилишини таъминласин.

5.Шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси(Т.Сиддиков) 11-сон маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги ички йўлларни таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича хужжатларни расмийлаштириш;

- ажратилган маблағни мақсадли ишлатилишини назорат қилиш.

6.Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Юсупов, ҳокимнинг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш ва коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Р.Ташходжаев зиммасига юклатилсин.

Chirchiq shahar hokimi Yusupov S. M.